МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ ИШЛАРИНИ ТИЗИМЛАШТИРИШДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Ф.ЭСАНБОБОЕВ

В статье рассматриваются вопросы применения информационных технологий в процессе систематизации нравственно-воспитательной работы.

In this article is considered the questions of information technologies during ordering moral - nursing jobs.

Замонавий ахборот технологияларнинг ривожланиш ҳолати биринчи навбатда жамиятнинг интеллектуал салоҳиятига, жумладан, таълим-тарбия соҳасининг ривожланишига боғлиқ. Таълим-тарбия мазмуни ва сифати масалалари жамиятда устувор йўналиш сифатида қаралмоқда, таълим-тарбияни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш йўллари изланмоқда, таълим-тарбия тизимида янги ахборот технологияларини жорий этиш таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг диққат марказидан ўрин олган. Ҳозирги замон янги техника ва технологияларнинг тез ривожланиши, турли ахборотлар кўламининг кескин ортиб бориши билан характерланади. Мана шундай улкан ахборот оқимида бўлажак мутахассис нафақат ўзини йўқотмаслиги, балки уларга нисбатан тегишли илмий, мафкуравий, ғоявий иммунитет ҳосил қилган бўлиши лозим. Буларнинг барчаси уларда ахборот технологияларидан фойдаланиш маданиятининг зарур даражада шаклланган ва ривожланган бўлишни тақозо этади. Бунда ахбортларни фақат қабул қилиш эмас, балки уларни сақлаш, узатиш ва улардан фойдаланиш маданияти ҳам кўзда тутилади. Ахборотлар билан ишлаш жараёни анча мураккаб ва қийин жараёндир. Бўлажак мутахасислар биринчи навбатда ахборотларни топиш манбаларини яхши билиши, ахборотларни қайта ишлашга оид тегишли кўникма ва малакаларга эга бўлиши, бу соҳада ўзининг аналитик фикрлаш қобилиятини, танқидий ва ижодий фикрлаш кўникма ва малакаларини ривожлантириб бориши талаб этилади. Оммавий ахборот воситалари ахлоқ намуналарини, турли қадриятларни тарғиб ва ташвиқ қилади, талаба шу намуналар асосида ўз тасаввур ва нуқтаи назараларини ойдинлаштириб, аниқлаштириб боради. Аммо «ахборот хуружлари» деган тушунчанинг ҳам мавжудлигини инкор этмаслик керак. Талаба мазкур хуружларга қарши кураша оладиган тегишли иммунитетга ҳам эга бўлиши лозим. Бу ҳам бир қатор ўзига хос шарт-шароитларнинг мавжудлигни тақозо этади.

Олий таълим муассасаларидаги таълим-тарбия тизими жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланишининг асосий вазифаларини амалга оширишга хизмат қилади, чунки олий таълим муассаси шахсни иқтисодиёт, маданият, сиёсий ҳаётда фаол фаолият кўрсатиш учун тайёрлайди. Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаси таълимнинг таянч бўғини сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий ахборот технологияларини олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишларни тизимлаштириш жараёнига жорий этишнинг педагогик мақсадларида ахборот технологиялари талаба шахсининг:

- фикрлашини;
- коммуникатив қобилиятини;
- оптимал қарор қабул қилиш малакасини;
- ахборот маданиятининг ривожланишини таъминлаши назарда тутилади.

Замонавий ахборот технологиялари, маъанавий-маърифий ишлар жараёнинини жадаллаштиради. Бунда ахборот технологияларидан фойдаланиш асосида, маъанавий-маърифий ишлар жараёнининг сифати ва самарадорлиги ортиши, талабаларнинг билиш фаолиятини фаоллашувини кузатиш мумкин.

Олий таълим муассасаларининг маънавий-маърифий ишлар тизимига замонавий ахборот технологияларини қўллаш таълим берувчиларнинг ҳам, таълим олувчиларнинг ҳам фаоллигини оширади. Бундай фаоллик муҳити, ўзаро ижодий ҳамкорликнинг сифатини ва самарадорлигини янада оширади.

Шундай қилиб, замонавий ахборот технологияларини маънавий-маърифий ишлар жараёнига жорий этишнинг йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- замонавий ахборот технологиялари воси-

таларини маънавий-маърифий ишлар жараёнига жорий этиш;

• таълим-тарбия жараёнларини ахборотлаштиришни тизимли интеграциялаш;

• маънавий-ахлоқий тарбия ишларини тизимлаштириш мақсадларидаги дастурий воситаларнинг имкониятларини тарбиялаш воситаси, ўрганиш объекти ва ахборотларни қайта ишлаш воситаси сифатида жорий этиш;

• маънавий-ахлоқий тарбия соҳасида ўқув-методик мажмуалар яратишда компьютер воситалари имкониятларининг самарали интеграциясини таъминлаш. Бундай мажмуалардан фойдаланиш талабага ахборотларни жамлаш, сақлаш, жараёнларнинг қонуниятларини моҳиятларини очиб беришга ёрдам беради. Замонавий технологиялар негизидаги маънавий-маърифий мажмуаларининг қўлланилиши индивидиуал ва жамоавий фаолиятни ташкил этишга замин яратади. Бу эса талаба-ёшларда интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш ва мустақил билим олиш имкониятини яратади;

• маънавий-ахлоқий тарбия ишларини тизимлаштириш соҳасидаги мультимедиа тизимларини яратишда, компьютерлар ва аудио-видео ахборотларни узатиш воситалари имкониятларининг интеграциясига эришиш. Бундай тизимлар ўзида дастурий-аппарат воситалар ва асбоблар мажмуасини мужассамлаштириб, ахборотнинг турли (матн, графика, овоз, тасвир) кўринишларини бирлаштиради ва фойдаланувчи билан интерфаол мулоқотни ташкил этади.

Фикримизча, маънавий-маърифий ишларни тизимлаштиришда қўлланиладиган ахборот технологиялари қўйилган мақсадга эришиш учун фаолият юритишини кузатиш, назорат қилиш ва тузатиш қоидалари тизимидан иборат бўлган бошқариш алгоритмидан фойдаланиш мумкин. Белгиланган тарбиялаш мақсадларининг ҳар бирига эришиш учун педагогларнинг қатъий белгиланган ўқув-тарбиявий фаолиятини бошқариш алгоритмидан фойдаланилади. Бу нафақат ўқитиш-тарбиялаш жараёнининг муваффақиятлилигини баҳолаш, балки белгиланган самарадорликка эга бўлган жараёнларни олдиндан лойиҳалаштириш имконини беради.

Маънавий-маърифий ишларни тизимлаштириш жараёни бир маънода ҳолатларнинг кетма-кет алмашинишини, бирор фаолиятнинг ривожланиб боришини ифодаласа, бошқа бир ҳолатда эса муайян натижага эришиш учун йўналтирилган кетма-кет ҳатти-ҳаракатларнинг йиғиндисини билдиради. Иккита маъно ҳам таълим-тарбия жараёнини педагог ва талабаларнинг муайян ахборот технологияларининг ташкилий-педагогик шарт-шароитларида таълим-тарбия мақсадларига эришиш учун йўналтирилган ташкилий ўзаро муносабатлари сифатида тушуниш учун асос беради. Бу ерда кўриниб турганидек, таълим-тарбия бериш кетма-кет педагогик ҳатти-ҳаракатларнинг йиғиндиси сифатида қаралади, педагогик технология доирасида амалга оширилади ҳамда талабанинг ижобий фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадига эга бўлган ташкилий фаолиятдан иборат.

Таълим-тарбия жараёнининг энг асосий хусусиятлари — бу унинг яхлитлиги, тизимлилиги, даврийлиги ва технологиявийлигидир. Яхлитлик деганда тарбиялаш ва ўқитиш жараёнлари, шунингдек шахсни ривожлантириш ва шакллантириш жараёнларининг ажралмас бирлиги тушунилади. Тарбиялаш ва ўқитиш, гарчи илм-фан уларни фарқласада, бир-бирига боғлиқ ва кўп умумийликка эга. Тарбиянинг мазмунида меъёрлар, қоидалар, қадриятлар устунлик қилади. Ўқитиш асосан ақл-идрокка таъсир кўрсатади, тарбиялаш биринчи навбатда шахснинг истеъмол-далилий соҳасига айланган. Иккала жараён шахснинг онги ва хулқ-атворига таъсир кўрсатади ва унинг ривожланишига олиб келади. Қанчалик яқин бўлишига қарамай, бу ўзига хос жараёнлар бўлиб, илм-фан уларни тарбия қилиш назариясида ва дидактикада алоҳида кўриб чиқади. Бунда замонавий шарт-шароитларда услубий тамойил ва айниқса долзарб ҳисобланган бутун педагогик жараённинг яхлитлиги таъминланади.

Таълим жараёнини тизимли равишда кўриб чиқиш тизим ва жараённинг тузилмасини, шунингдек улар ўртасидаги алоқаларни ажратиб кўрсатилишини ифодалайди. Бу ҳар бирининг ўзига хос хусусияти, моҳиятини, бирининг бошқасига таъсири натижасида ўзгаришини англаб етишга ёрдам беради. Масалан, ўқитиш мақсади унинг мазмунини белгилаб беради, ўзлаштирганлик даражаси эса ўқитиш усулларини танлашга таъсир кўрсатади ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,
2010 йил 25 февралда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. А.Собиров)